

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
Б. Исламов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси
Х. Ёдгоров

2026 йил « 9 » февраль

2026 йил « 9 » февраль

Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳолининг ишончини ошириш ҳамда уларнинг
имижини янада мустаҳкамлаш бўйича 2026 йилнинг февраль-март ойида амалга ошириладиган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъул ижрочи	Ҳамижрочи
I. Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳоли ишончини ошириш, ишончга таъсир этувчи омилларни тизимли таҳлил қилиш ва оширишга оид таклифлар тайёрлаш, шунингдек ушбу соҳаларни ислоҳ қилишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш					
ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАР					
1.	Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳоли ишончи, хусусан ишончга салбий таъсир этаётган омиллар рўйхатини ҳамда уни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	1. Комплекс таҳлил асосида суд органларига нисбатан аҳолининг ишончига салбий таъсир этаётган омиллар рўйхатини шакллантириш. 2. Аҳолининг ишончига салбий таъсир этаётган омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш.	2026 йил февраль	Судьялар олий кенгаши, Олий суд (Судлов ҳайъатлари, Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази, Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси)	Одил судлов академияси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар

2.	Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳолининг ишончи рейтингини (мезонлар, индикаторлар ва б.) ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	1. Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳолининг ишончи рейтингини бўйича ривожланётган ва ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлилий маълумотнома (матн ва жадвал форматида) тайёрлаш. 2. Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳолининг ишончи рейтингини бўйича халқаро ташилотлар, нодавлат компания ва ташилотларнинг тажрибасини ўрганиш ва таҳлилий маълумотнома (матн ва жадвал форматида) тайёрлаш. 3. Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳолининг ишончи рейтингини ва уни амалга ошириш бўйича Низом (ёки Ўйриқнома) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва кенг муҳокамадан (судьялар ва судлар билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган субъектлар – адвокат, ташилот юристлари, ОАВ ва блогерлар ва б. билан) ўтказиш. 4. Муҳокамада билдирилган таклифлар асосида такомиллаштирилган Суд ҳокимияти ва судьяларга нисбатан аҳолининг ишончи рейтингини ва уни амалга ошириш бўйича Низом (ёки Ўйриқнома), шунингдек тааллуқли материалларни киритиш.	2026 йил март	Судьялар олий кенгаши	Одил судлов академияси
3.	Олий суд, Судьялар олий кенгаши раҳбарияти ва ҳудудий раҳбарларнинг сайёр қабуллари ни ташкил этиш.	Олий суд, Судьялар олий кенгаши раҳбарияти ва ҳудудий раҳбарларини 2026 йил I чоракка мўлжалланган сайёр қабуллар режа-графи тасдиқлаш ва унга мувофиқ қабуллар ташкил этиш.	2026 йил I чорак	Олий суд (Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси), Судьялар олий кенгаши	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар
4.	Суд ишларини кўришда ягона суд амалиётини	1. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда	2026 йил март	Олий суд (Судлов хайъатлари,	Вилоят ва унга тенглаштирилган

	таъминлаш кўриш.	чораларини	муомала қилиш, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишга оид кўрилган жиноят ишларини умумлаштириш. 2. Мажбурий ижро бюроси органлари мансабдор шахслари қарорлари, хатти-ҳаракатлари (харакатсизлиги) юзасидан низолашишга доир ишларни умумлаштириш. 3. Умумлаштириш натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш чораларини кўриш.		Пленум ва Раёсат котибияти)	судлар
1.1. Судлар мустақиллигини таъминлаш						
5.	Судьяни бошқа судьялик лавозимига ўтказиш, ротация қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	1. Судьяни ротация қилиш асосларини қонунда аниқ белгилаш ва бундан бошқа истисноларга йўл қўймасликни назарда тутиш. 2. Бу борада тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Президент Администрациясига киритиш.	2026 йил март	Судьялар олий кенгаши	Судьялар олий малака ҳайъати	
6.	Янги Конституцияда судьяларга тақдим этилган кафолатлардан келиб чиқиб, судьяларнинг давлат ҳимоясида бўлишини таъминлаш чораларини кўриш.	1. Судьяга нисбатан кўриладиган давлат ҳимоясининг аниқ чораларини ишлаб чиқиш. 2. Бу борада тегишли қонун лойиҳасини тайёрлаш ва Президент Администрациясига киритиш.	2026 йил март	Олий суд	Судьялар олий кенгаши	
1.2. Суд жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлиги						
7.	Чиқарилган суд	Барча суд инстанцияларининг (биринчи,	2026 йил	Олий суд	Вилоят ва унга	

	қарорларини кенг оммага очиқ эълон қилиш.	апелляция, кассация, тафтиш) қарорларини шахсий маълумотларни анонимлаштирган ҳолда Олий суднинг расмий веб-сайтига жойлаб бориш.	февраль-март	(Судлов ҳайъатлари, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект департаменти)	тенглаштирилган судлар
1.3. Судьялар малакасини ошириш					
8.	Судья ва суд аппарати ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича махсус малака ошириш курсини олиш бўйича малакасини ошириш чораларини кўриш.	Судья ва суд аппарати ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича махсус малака ошириш курсини ташкил этиш.	2026 йил февраль-март	Судьялар олий кенгаши	Одил судлов академияси
9.	Судьяларни назарий билим ҳамда амалий кўникмаларини ошириш йўли билан уларни имиджини кўтариш.	Нотиқлик ва мулоқот маданиятини, суд қарорларини халқчил тилда тушунтириб бериш маҳоратини эгаллаш бўйича онлайн курслар ташкил этиш.	доимий	Судьялар олий кенгаши	Одил судлов академияси
1.4. Судларга мурожаат қилиш тартибини оsonлаштириш					
10.	Олий суд раиси ва унинг ўринбосарларининг шахсий қабулларини мунтазам тарзда ташкиллаштириш.	Олис ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг овозгарчилигини олдини олиш, уларга қулайлик яратиш мақсадида, Олий суд раҳбарияти қабулини фуқароларнинг ўзи яшайдиган ҳудудидан видеоқонференцалоқа орқали ўтказиш.	2026 йил февраль-март	Олий суднинг Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар
1.5. Коррупцияга қарши қатъий курашиш					
11.	Судьяларни тайинлаш, лавозимидан озод этиш ва интизомий жавобгарлик жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминлаш.	Судьяларни тайинлаш, лавозимидан озод этиш ва интизомий жавобгарлик жараёнларини расмий веб-сайтда ёритиб бориш.	доимий	Судьялар олий кенгаши	
1.6. Адвокатура ва жамоатчилик билан ҳамкорликни ошириш					
12.	Олий суд раҳбариятининг	Олий суд раҳбариятини қонунчилик ва суд	2026 йил	Олий суд	Адвокатлар

республикада юритаётган адвокатлар билан очиқ мулоқотини йўлга қўйиш.	ҳоқимияти фаолияти мазмунига мувофиқ адвокатлар билан очиқ мулоқотини ташкил этиш.	февраль - март	палатаси (келишув асосида)
1.7. Судьяларнинг этикаси ва ахлоқий маданиятини кучайтириш			
13. Судьяларнинг нисбатан чидамлилигини ошириш.	Судьялар стрессларга бардошлилиги, қалтис ҳолатларда ўзини идора қила олиш ва ахлоқий маданиятини юксалтириш борасида Одил судлов академиясида онлайн ўқув тренингини ўтказиш.	2026 йил март	Одил судлов академияси
14. Судьяларнинг дунёқарашини кенгайтириш.	Судьяларнинг маънавий дунёсини бойитиш устида ишлар олиб бориб, “мутолаа” платформасига аъзо бўлган ҳамда ижодкор судьяларни аниқлаш ва уларни қўллаб- қувватлаш, жамоатчилик эътиборига етказиш.	2026 йил март	Одил судлов академияси
II. Суд ҳоқимияти ва судьяларнинг ижобий имижини шакллантириш ва мустақамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар			
2.1. Ижобий имижини шакллантириш, аҳолини суд органлари фаолияти ва судьяларга нисбатан ишончини ошириш бўйича чора-тадбирлар			
1. Республика судларининг 2025 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда суд тизимини янада такомиллаштириш бўйича келгусидаги вазифалар юзасидан матбуот анжумани ташкил этиш.	1. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларни ўтказиладиган матбуот анжумани ҳақида хабардор қилиш. 2. Оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот анжуманини ўтказиш. 3. Матбуот анжумани тафсилотларини Олий суднинг расмий веб-сайтида ёритиш.	2026 йил февраль	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)
2. Суд-ҳуқуқ соҳасига доир ислохотлар, суд тизимидаги янгиликлар ҳақида брифинглар ўтказиш.	1. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиликларга доир ва суд тизимида оид долзарб масалалар юзасидан маълумот бериб бориш . 2. Брифингларни оммавий ахборот воситалари, хусусан телеканаллар ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш,	доимий	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари раислари, матбуот котиблари

	ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали мунтазам эълон қилиб бориш.				
3.	Аҳолини одил судловга бўлган ишончини ошириш, уларни қонун устуворлиги руҳида тарбиялаш мақсадида кўрсатувлар ташкил қилиш.	1. “Орта қайтмас ислохотлар”, “Одил судлов”, “Фаровонлик сари”, “Қонун устуворлиги йўлида” ва мавзуга доир туркум кўрсатувларини ташкил қилиб, намоийш этиб бориш. 2. Мазкур кўрсатувлар “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон” ва МТРКнинг маҳаллий телеканаллари орқали ҳар ойда камида бир маротаба намоийш этиш; 3. Судларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали тайёрланган кўрсатувларни тўлиқ ёки одамларга ёқадиган энг яхши жойларини мунтазам эълон қилиб бориш.	2026 йил февраль - март	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари раислари, ўринбосарлари, матбуот котиблари
4.	Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган махсус телелойиҳалар ташкил қилиш.	1. “Менинг ҳуқуқим”, “Сўранг, жавоб берамиз”, “Ҳуқуқий маслаҳатхона”, “Менда савол бор” рунклари остида видеолавҳаларни кенг намоийш қилиш. 2. Ҳар бир вилоят кесимида, ойида камида 1 маротаба “Севимли”, “Менинг юртим”, “Зўр ТВ” ва МТРКнинг марказий ва ҳудудий телеканаллари ёрдамида ёзиб олиш ва эфирга бериш. 3. Судларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиб бориш.	2026 йил февраль - март	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари матбуот котиблари
5.	Жиноятчиликни олдини олиш ва жиноят учун жазо муқаррарлигини аҳолига етказиш мақсадида махсус кўрсатувлар ташкил этиш.	1. “Ўтқир тергов” ва “Бир жиноят изидан” каби кўрсатувларни ташкил қилиб, телеканалларда намоийш этиш. 2. Кўрсатувларни давлат (“Ўзбекистон”) ва хусусий телеканаллар (“Миллий”)да	2026 йил февраль - март	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Олий суд ва вилоят судлари матбуот котиблари

6.	Оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик орасида ўз адолати билан ижобий имиж ярата олган хорижий судьялар таърибасидан фойдаланган ҳолда миллий судьялар орасида “Адолатли судья” сиймосини гавдалантириш.	намоийиш этиш. 1. Судьяларнинг бир кунлик иш фаолиятини кўрсатиб берувчи “Судьянинг бир кун” мавзусида видеолавҳалар тайёрлаш. 2. Видеолавҳаларни ОАВда хусусан давлат (“Ўзбекистон” , “Маҳалла”) ва хусусий телеканаллар (“Менинг юртим” , “Севимли” , “Ренесанс”) имкониятидан фойдаланган ҳолда намоийиш этиш. 3. Судларнинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифалари ва ОАВ орқали кенг оммалаштириш.	2026 йил февраль - март	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Олий суд ва вилоят судлари матбуот котиблари
7.	“Суд – инсон ҳимояси учун” ғояси асосида фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш.	1. “Адолат қарор топди” , “Адолат тантанаси” , “Инсон ҳуқуқлари суд ҳимоясида” рўнклари остида судьялар томонидан адолатли қарор қабул қилинганлиги (оқлов ҳукмлари, ишга тиклашга оид ҳал қилув қарорлари ва ҳоказо) тўғрисида фуқароларнинг розилиги акс эттирилган репортаж ва видеолавҳалар тайёрлаш. 2. Мазкур материалларни марказий ва маҳаллий телеканаллар орқали эфирга узатиш, Олий суднинг Интернет тармоғидаги (YouTube, Facebook, Telegram, Instagram) расмий манбаларида эълон қилиш.	2026 йил февраль - март	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Олий суд ва вилоят судлари матбуот котиблари
2.2. Суд органлари ва судьяга босим ўтказиш, улар томонидан қарор қабул қилинишига жамоатчилик фикрини сунъий шакллантириш йўли билан таъсир этиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар					
8.	“Давлат органлари ва ОАВ ҳамда блогер ўртасидаги муносабатларни тартибга	1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш	2026 йил февраль	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари матбуот

	солишнинг асослари"га бағишланган қўлланма яратиш	маркази, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда "Давлат органлари ва ОАВ ҳамда блогер ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари"га бағишланган қўлланмани ишлаб чиқиш. 2. Қўлланмани чоп этиш ҳамда кенг оммага тақдим этиш.	2026 йил март		котиблари
9.	Суд ишларини ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида қонун талабларини тушунтириш ҳақида эслатмалар бериш	1. Аҳоли, ОАВ вакиллари ва блогерларга Жиноят кодексининг 236-моддаси (тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш) талабларини тушунтиришга қаратилган постлар эълон қилиб бориш. 2. Уларни судларнинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифалари ва ОАВ орқали кенг оммалаштириш.	2026 йил февраль	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари матбуот котиблари
10.	Ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатсиз ошкор қилмаслик мажбурияти ўз зиммасига юклатилган шахс томонидан уларни ошкор қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида қонун талабларини тушунтириш ҳақида эслатмалар бериш	1. Аҳоли, ОАВ вакиллари ва блогерларга Жиноят кодексининг 239-моддаси (суриштирув, дастлабки тергов ёки ёпиқ суд мажлиси маълумотларини ошкор қилиш) талабларини тушунтиришга қаратилган постлар эълон қилиб бориш. 2. Уларни судларнинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифалари ва ОАВ орқали кенг оммалаштириш.	2026 йил март	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари матбуот котиблари
11.	Суд мустақиллиги	1. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори,	2026 йил	Судьялар олий	Одил судлов

	кафолатларини кучайтириш, Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш, шунингдек, судьялар ва суд ходимлари кунини белгилаш.	ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида кўриб чиқиш. 2. Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш. 3. Судьялар ва суд ходимлари кунини белгилаш.	февраль-март	кенгаши	академияси
12.	Судлар ва ОАВ вакиллари ўртасида конструктив мулоқотни шакллантириш	1. Журналист ва блогерлар учун суд ишларини тўғри ва холис ёритиш бўйича билимларини оширишга қаратилган ўқитишни ташкил этиш. 2. Суд жараёнларини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш тартибига доир амалий қўлланма ишлаб чиқиш. 3. Суд ишларини ёритишга ихтисослашган журналистлар таркибини шакллантириш мақсадида “Суд журналистикаси” мутахассислиги бўйича ўқув фани ҳамда махсус ўқув курсини жорий этиш шунингдек, босқичма-босқич Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида “Суд журналистикаси” мутахассислиги бўйича кафедра ташкил қилиш	Алоҳида режа асосида	Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети	Одил судлов академияси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
2.3. Суд органлари ва судьялар фаолиятига оид аҳолининг норозилигига ва кенг муҳокамаларга сабаб бўладиган ҳолатларни олдини олишга оид чора-тадбирлар					

13.	Резонансли суд ишлари бўйича жамоатчиликни доимий равишда хабардор қилиб бориш.	1. Аҳоли ўртасида кенг муҳокамага сабаб бўлган суд ишлари бўйича мунтазам тарзда расмий баёнот (ахборот) билдириш. 2. Оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида бундай суд жараёнларига алоқадор ахборотни тезкор тарқатиш.	доимий	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари матбуот котиблари
14.	Кенг муҳокамаларга сабаб бўлган ишлар бўйича суд жараёнлари оммавий ахборот воситаларида ёритилишини тартибга солишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш	1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида” ги Қарори мазмун-моҳиятини тушунтириш 2. Суд мажлисларини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга доир қонун талабларини тушунтиришга доир постлар эълон қилиб бориш. 3. Ушбу ҳуқуқий маълумотларни Олий суднинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида кенг оммалаштириш.	2026 йил февраль - март	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари матбуот котиблари
2.4. Судлар фаолиятига оид аҳолининг норозилигига ва кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган маълумот ёки ахборотни тезкор ўрганиш, салбий резонансни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар					
15.	Судга нисбатан бўлаётган салбий фикрларни тезкор ўрганиш, жавоб қайтариш чораларини кўриш.	1. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда суд органлари ҳақидаги маълумотларни мунтазам кузатиш ва таҳлил қилиш. 2. Олий суд томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан вазиятни холисона ўрганилиб, заруратга кўра муносабат ва раддия эълон қилинади. <i>Изоҳ: негатив постларга тезкор ахборот алмашиш имкониятини ошириш мақсадида</i>	доимий	Олий суд (Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази)	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари матбуот котиблари

		ишчи гуруҳ ташкил этилган; кунлик эълон қилинган салбий постлар юзасидан Олий суд раиси ўринбосарлари, вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан ҳуқуқий ечимлар ва амалий чоралар белгиланади.			
2.5. Суд ҳокимияти ва судьяларнинг ижобий имижини шакллантириш ва мустаҳкамлашга оид қонунчилик ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг ижобий имижига таъсир этувчи омилларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар					
16.	Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида белгиланган аҳолининг суд орқали ҳимоя қилиниши, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш чораларини кўриш.	1. Фуқароларга Вазирлар Маҳкамаси, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тўсдаги ҳужжатлари юзасидан низолашиш ҳуқуқини тақдим этиш. 2. Бу тоифадаги ишларни қайси судловга тегишлилигини аниқлаш. 3. Бу борада тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.	2026 йил март	Олий суд	Конституциявий суд